

## ТАРИХДАН СЎЗЛОВЧИ ОБИДАЛАР

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

**М.Давранова**

Ушбу мақолада юртимиздаги бутун дунё ҳамжамиятини доимо қизиқтириб келган тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлари, бой маданий мероси ва яна маданий мерос объектларини сақлашга нечоғлик эътибор қаратилаётганлиги ҳақида маълумот берилади.

Ўзбекистон тарихий қадамжолар кўплиги бўйича етакчи 10 мамлакат қаторида туради-Мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асрабавайлаш ва уларни ўз ҳолича келажак авлодларга етказиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, олиб борилаётган амалий ишлар изчиллигини таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиняпти.

Жумладан, 2021 йил 19 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

– Юртимиз ўзининг тарихий обидалари, қадимий ёдгорликлари, бой маданий мероси билан дунё ҳамжамиятини доимо қизиқтириб келган. Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ҳамда тарихий қадамжолар кўплиги бўйича етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Ҳозирги кунда юртимизда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ ёдгорлик бор. Уларнинг ҳар бири ўзига хос маҳобати ҳамда улуғворлиги билан ажралиб туради. Буюк ипак йўли марказида жойлашган, бой тарихий ҳамда маданий ўтмишга эга юртимизда мазкур йўналишни жадал юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ноёб ва нодир маданий меросимизни асраб-авайлаш, реставрация қилиш ҳамда соҳани инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга хизмат қилади. Қарор билан Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида Маданий мерос агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилди. Унинг зиммасига қатор вазифалар юклатилдики, бу соҳада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Ватанимиз мустақил бўлгач халқимиз ҳаёти тубдан ўзгарди. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тараққиёт ва одимлаш кузатилмоқда. Ҳар қайси соҳага кўз тиксангиз унинг ривожини учун бўлаётган ҳаракатларни кўрасиз. Айниқса мустақилликдан сўнг маънавий қадриятларни қайта тиклаш ва уларни асраш борасида жиддий ва кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

Юртимиз азалдан илм-фан ва маданият ўчоғи саналиб келган. Бунинг исботи ўлароқ юртимиздан етишиб чиққан буюк уламоларни эслаб ўтишимизнинг ўзи кифоя. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Замахшарий ва Беруний каби саноксиз аجدодларимиз дунё тамаддунига улкан хиссаларини қўшганлар. Бундай инсонларни юзага чиқарган ўзбек халқи яна шундай зотларни тарбиялаганки улар номи асрлар оша эл, нафақат эл балки бутун дунё ардоғига сазовор. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби аждодлар илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшиш билан бирга давлатчилик соҳасида ҳам улкан ишларни олиб борганлар. Диний ва маданий соҳаларнинг ривожига салмоқли хиссаларини қўшганлар.

Темурийлар давлатчилигига асосчиси саналмиш Амир Темур қилган ишларга назар соладиган бўлсак шунга амин бўламизки, дунё цивилизациясини бизнинг тарихимизсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ана шундай буюк боболардан бизга мерос қолган, тарихимизнинг буюклигидан дарак бериб турувчи қадимий обидаларимиз, замонлар оша қадди букилмай келаётган мухташам иншоотларимиз бизнинг қалбимизда янада улкан фахр ҳиссини уйғотади. Бу обидалар халқимизнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Уларга назар солган инсон аجدодларимизнинг муҳандислик қобилиятларига яна бир бор таҳсинлар айтади. Масжид ва мадрасалар, турли илмий муассасалар ва ҳашаматли саройлар инсон ақлини лол қолдирадиган даражада мухташам ва ҳайратланарлидир.

Биргина Бухоро шаҳрининг ўзида жуда кўп мана шундай биноларга кўзингиз тушиши мумкин. Хусусан, Пой Калон меъморий мажмуасини бир қисми саналмиш Масжиди Калонни айтишимиз мумкин. Масжид Самарқанддаги Бибихоним масжидидан кейин Ўрта Осиёдаги иккинчи энг катта масжиддир. Масжиднинг усти очик йирик ҳовлиси, унинг ажойиб пештоқлари, усти ёпиқ айвонлари кишида унутилмас таассурот қолдиради. Мажмуанинг яна бир бетакрор ва беназир биноси бу Мир Араб мадрасасидир. Бу мадраса собиқ шўролар даврида ягона фаолият юритган ислом билим юртидир. XII аср меморчилик санъати бўлган Калон минораси ҳам шулар жумласидандир.

Шаҳарнинг марказида Лаби Ҳовуз жойлашган бўлиб, унинг атрофида бир қатор обидалар, жумладан Кўкалдош мадрасаси, Нодир Девонбеги мадрасаси ва хонақоси қад ростлаган.

Бу мажмуалардан илгарироқ, яъни X асрда қуриб битказилган Исмоил Сомоний мақбараси Бухородаги энг қадимий ва энг чиройли ёдгорликлардан биридир. У ҳозирги вақтда ҳам аввалгидек чиройли кўринишга эга.

Мустақилликдан сўнг миллий қадриятларни тиклаш ва тарихий-меъморий обидаларни асраш мақсадида Масжиди Калон, Чорбакр, Арк қалъаси каби Бухорода жойлашган қатор обидалар таъмирланиб асл қиёфасига келтирилди. Абдулхолик Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандий зиёратгоҳлари обод этилди.

Бундай қадимий ва муқаддас биноларни Самарқандда ҳам минглаб топиш мумкин. Буларнинг барчаси бутун оламга бизнинг шонли тарихимиздан дарак бериб турибди. Юртимизнинг бу икки шаҳри ҳақида Самарқанд сайқали рўйи замин аст

Бухоро қуббати исломи дин аст.

деб мадҳ этилиши бежиз эмас. Ислом дунёсини ҳамиша ўзига чорлаган ва уларга ўз истакларини тақдим этган Бухоро, Самарқанд “очиқ осмон остидаги музей”, дея тарифланган. Хива ва уларнинг асрлар оша кўркига кўрк, ҳайбатига ҳайбат қўшиб келаётган мухташам обидалари хусусида ҳар қанча таъриф ва мақтовлар кам. Асосийси, биз буюк аجدодларнинг авлодлари эканимизни, уларга муносиб издошлар бўлишимиз зарурлигини доимо ёдда тутишимиз ва бунга муносиб тарзда интилишимиз даркор.

– Маданий мерос агентлиги эндиликда мазкур йўналишда давлат назоратини амалга оширади. Жумладан, миллий музей фондининг давлат каталогини юритиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларини миллий музей фонди таркибига киритиш, ундан чиқариш, универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш ишларини амалга оширади.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш жоизки, сўнгги пайтларда баъзи бир тарихий аҳамиятга эга объектларнинг қаровсиз қолдирилгани, бошқа мақсадларда фойдаланилаётгани ёки бузиб юборилаётгани борасида кўплаб эътирозлар, баҳсмунозаралар келиб чиқмоқда. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Агентликка соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ёки қонун бузилишларини бартараф қилиш ҳақида тегишлича ёзма равишда огоҳлантиришлар ва ижро этилиши мажбурий кўрсатмалар бериш ваколати берилаётгани айтиш муддао бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори халқимизнинг бой маданий меросини асраб-авайлашни янада кучайтириш ҳамда

соҳани замон талабларига монанд ривожлантиришга хизмат қилади. Зеро, тарихни асраш ва уни келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи.
- 2- том. Тошкент:Тараққиёт. 1987-2001 .
- 3.Азимов И. Архитектура Узбекистана XVIII- начало XX вв. томах. Тошкент., 1994-1996.
- 4.Абдуллаев М. Бобожонов.Д. Хоразм амалий сан' ат усталари.
- 5.Xiva: Хоразм ма' мун академияси. 201 0.

### **Журналлар:**

1. Мозийдан садо
2. Санъат

### **Интернет материаллари**

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. ҳтп: //www. археоло гия. уз